

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

А. Акбаров Ҳайнрих Ҳайне ва аёллар.....	94
Г. Орипова Ўзбек шеърлятида ижровий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О. Барзиев Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар.....	108
Д. Турдалиев Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю. Каримова “Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий кадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А. Мамажонов, А. Саминов Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М. Мамажонов Диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р. Ахророва Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х. Қодирова Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар.....	148
Ҳ. Дўсматов Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш. Шокиров, Д. Қозоқбоева Инглиз тилида “ear – кулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т. Яндашова Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
Г. Тожиева Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З. Раджабова Ўқув фразеографияси лексикографиянинг махсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х. Турсунов, Ю. Минаматов, И. Мўминов Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М. Каримова, З. Арипов, М. Оламова Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С. Умаров Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С. Аъзамов Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

**XX АСР ЎЗБЕК-КОРЕЙС ҲИКОЯЛАРИДА ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД
МУНОСАБАТЛАРИДА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАСВИРИ**

**ОПИСАНИЕ СЕМЕЙНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ОТНОШЕНИЯХ РОДИТЕЛЕЙ И
ДЕТЕЙ В УЗБЕКСКИХ И КОРЕЙСКИХ РАССКАЗАХ XX ВЕКА**

**DESCRIPTION OF FAMILY VALUES IN PARENTS AND CHILDREN RELATIONS
IN UZBEK-KOREAN STORIES OF THE XX CENTURY**

Дилором Муратова¹

Дилором Муратова¹

– Фарғона давлат университети магистранти.

Аннотация

Мақолада XX аср ўзбек-корейс адабиётида оила ва оилавий қадриятлар масаласи ҳикоялар таҳлили воситасида ёритилган. Унда ижодкорларнинг образ яратиш маҳорати, олам ва одам ҳақидаги қарашлари, қадриятлар масаласи ўрганилган.

Аннотация

В статье рассматривается проблема семьи и семейных ценностей в узбекско-корейской литературе XX века посредством анализа рассказов. В ней исследуются мастерство авторов в создании образа, воззрения о мире и человеке и проблема ценностей.

Annotation

The article deals with the issue of family and family values in the Uzbek-Korean literature of the XX century through analysis of stories. Furthermore, it explores writers' skills in creating the image, views on the world and the person along with the problem of values.

Таянч сўз ва иборалар: оила, образ, қадрият, оилавий қадриятлар, типологик ўхшашлик, постмодернизм, маҳак тоши, ассоциатив сюжет, муаллиф нутқи, персонаж нутқи.

Ключевые слова и выражения: семья, образ, ценность, семейные ценности, типологическое сходство, постмодернизм, камень махак, ассоциативный сюжет, авторская речь, речь персонажа.

Key words and expressions words: family, image, value, family values, typological similarity, postmodernism, mahak stone, associative subject, author's speech, character's speech.

Ўзбек-корейс халқларининг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб, умуминсоний қадриятлардан бири – ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икром кўрсатиш, ҳурматларини жойига қўйиш каби оилавий қадриятлар саналади. Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон, азиз ва мўътабар зот йўқ. Ота-она фарзандларининг суянчиғи, битмас-туганмас бойлигидир. Ҳеч иккиланмасдан шуни айтиш керакки, ота-она фарзанд учун ҳеч нарса аямайди. Уларнинг табиат ато этган буюкликлари ҳам ана шунда.

Ўзбек ва корейс халқлари одоб-ахлоқи бўйича, кексаларнинг, ота-онанинг олдида салом бермасдан ўтиши гуноҳ ҳисобланади. Шундай экан, ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов хизматларига

бир умр содиқ бўлиш, дуоларни олиш – болаларнинг фарзандлик бурчи.

Бу каби оилавий, умуминсоний қадриятлар жамиятнинг кўзгуси бўлган бадий адабиётда ўз аксини топиши адабиёт деб аталган тилсимнинг ўзи каби ҳайратланарли ҳолат ҳисобланади.

Ўзбек-корейс адабиёти хазинасида оила ва оилавий қадриятлар тасвирланган асарлар бисёр. Бироқ икки миллат замонавий адабиётининг ўз ўқувчисини дарров топадиган ўткир, сиқик, сеvimли жанри бўлган ҳикоялар алоҳида ўринга эга.

Ўзбек адабиётида оилавий муносабатлар, оила аъзолари ўртасида қадрланувчи оилавий қадриятлар тасвири туширилган мукамал асарлардан бири замонавий ўзбек ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари ҳисобланади. Туркум новеллалардан ташкил топган ушбу асарда ўзбек оилаларидаги ота-она ва фарзанд, ака-

ука, опа-укалар муносабати моҳирона чизилган. Асарни ўқиган ҳар бир ўқувчи ўзининг болалиги ўтган қутлуғ хонадонни, бирга катта бўлган ака-ука, опа-сингилларининг илиқ меҳр тафтларини туйгандек, олис болалигининг бир парчасини топгандек бўлади.

“Дунёнинг ишлари” – ўзига хос автобиографик асар. Унда ҳикоячи қаҳрамоннинг болалик йиллари, балоғат даври тасвирланади [1.288]. Ҳикоячининг қарашлари, тушунчалари бош қаҳрамон – она образига келиб уланса-да, асар ичидаги бир қанча ҳикоялар ўзбек оталари образининг ўзига хос хусусиятини очиб бериши билан аҳамиятлидир. Шундай ҳикоялар сирасига “Имон”, “Опамни топиб олдим” ҳикоялари киради. Уларда барча оталар хос фарзандларига меҳрибонлик, ғамхўрлик қилиш, беминнат маслаҳатгўйлик, бироз қаттиққўллик, ҳиссиётларини сездирмаслик каби хислатлар кузатилади.

“Имон” ҳикоясида ота истималаб, алангаи оташ бўлиб ёнаётган фарзандига ярим кечада қор кечиб, Ачинский номли докторни олиб келиб, болани даволатади.

Отанинг фарзандига бўлган меҳри она меҳридан кўп бўлса, бўладики, асло кам бўлмайди, бироқ бу меҳр оталар қалбининг туб-тубидан ўрин олган бўлиб, кам ҳолатларда яққол намоён бўлади. Ота образи куюқ бўёқларда берилган “Опамни топиб олдим” ҳикоясида ҳам шу ҳол яққолроқ кўзга ташланади. Ҳикояда ҳикоячининг отаси байрам муносабати билан ўзига янги кийим олишга пул ажрата олмаса-да, бутун оила аъзоларига янги кийимлар олиб келиб, уларни ҳурсанд қилади.

Ўзингиз-чи? – Ойим дадамнинг кўзига термулди. – Ўзингизга ҳеч нима олмадингизми?

Дадам қўл силтади:

– Кейин... Кейин олинар. Нима, мен ёш боламидим... [2.83].

Бир пайтлар турмуши бузилиб, онаси билан қолган жамалаксоч қизини йиллар ўтиб бир кўришда таниган, қаттиққўл бўлатуриб кўзига ёш олган ота сиймоси гавдаланади.

Опам уч-тўрт қадам босди-ю, кўзида ёш билан ҳайқириб юборди:

– Адажон!

Дадам бир қалқиб кетгандек бўлди.

– Ие, ие,- деди овози титраб. Кейин ошхонага қараб қичқирди. – Ҳой, бу ёққа чиқ, қизинг келди!

Башор опам дадамнинг кучоғига ўзини отди.

– Йиғлама, она қизим, йиғлама. – Дадам Башор опамнинг сочини силар экан, кўзлари намланди. (Унинг кўзида ҳеч қачон ёш кўрмаган эдим.)

– Бормисан, оппоқ қизим.

“Имон”, “Опамни топиб олдим” ҳикояларида ўзбек оталари образини бериш орқали ўзбек оилаларидаги қадрият – фарзандларига меҳрибонлик, ғамхўрлик, маслаҳатгўйлик, қаттиққўллик, талабчанлик, ҳиссиётларини юзага чиқармаслик, бир сирда туриш каби хусусиятлар тасвирланади.

Чои Ҳи Сунинг¹ “Саждагоҳимсиз, отам” [3.5] ҳикоясида биринчи фарзандидан айрилган она касалликка чалиниб, тўшакка михланиб қолган дамда отаси унга ғамхўрлик қилиб, суянчиқ бўлади, далдаси туфайли қиз ҳаётга қайтади.

“Саждагоҳимсиз, отам” – ҳикоянинг номланиши ажойиб. (“Саждагоҳимсан, Ватаним”, “Ота тупроқ” дейилади бизда. Бундай дейилишига сабаб бу қадим тупроқ ота-боболаримизнинг ҳоки қўйилган замин.) Корейсларда таъзимнинг ўта кучли шакли сажда қилиш ҳисобланади.

¹Чо Хи Су 1962 йили Жанубий Кореянинг Пажу шаҳрида туғилган. У Сеул Университетининг бадиий пейзаж факультетини тамомлаган бўлиб, шу вақтга қадар 9 та китоби нашр этилган. Чо Хи Су Кореяда анчагина нуфузга эга бўлган “Жоун чек иллки” (“Яхши китоблар мутолааси”) номли илмий-адабий журналининг “Оила” бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатган ва айнан шу журнал орқали унинг бир қанча асарлари корейлик китобхонларга етиб борган. Унинг “Дадам билан китоб”, “Чуқур муҳаббат бахтни яратади” номли китоблари машҳур.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

...Разм солиб қарасам, отам ҳам келибди. У эшик яқинида қийшиқ стулчада базур ўтирибди. Мени ўйлаб, қалбан қийналаётгани, ёрдам беришга ожизлигидан нима қилишини билмай ҳайронлиги юзидан сезилиб турарди.

– Ўзингни қўлга ол,– деди, у бир нуқтага тикилганча. Лекин гап менга тегишли эканини сездим...

Кечга яқин фарзанд қайғусидан адоий тамом бўлган она бошини кўтаролмас даражада ётиб қолади. Шунда унинг отаси аллақандай дори билан кириб келиб, дори тутди.

– Мана шуни ичиб ол, болам.

Фарзанд доғида қовурилаётган она отаси берган дорини “ичмайман”, дея жонҳолатда отиб юборади. Ёшлигидан қизининг эркаликларига кўникиб, индамай қўя қоладиган ота қаҳрли нигоҳ билан қизига қараб :

– Нима, сен ҳам ўлмоқчимсан!!! – дея бақиради. Мен отамни бунақа ҳолатда умуман кўрмагандим. – Нима мен ўйламаяпманми ўғлинг... Сенга ўғлинг керак, биламан...Лекин сен ҳам менинг фарзандимсан. Менга ҳам сен кераксан, тушундингми? Сен мени ҳам ўйла... Ўрнингга мени ҳам қўйиб кўр... Бир сўз демай ўзимни отамнинг бағрига отдим.

Ҳикояда ота қизига онангдан сўнг сен учун яшаяпман, дегандек бўлади. У ҳам ота, ҳам бир йил олдин ўтган онаси ўрнида она.

“Саждагоҳимсиз, отам” ҳикоясида ота қизининг қийналаётганини кўриб томошабин бўлиб туролмаслигини, ҳали кўплаб фарзандлар кўришини, уларга ўзи бувалик қилишини айтиб, уни ҳаётга қайтарди. Қиз турмуш ўртоғи, отаси олдида масъулиятли эканини ҳис этади. – Мени ўйла, болам... Сенинг қийналаётганигни кўриб томошабин бўлиб туролмайман. – Бу сафар отам юмшади – Сиқилма. Ҳали бағринг кўплаб фарзандларга тўлиб кетади, уларга ўзим бувалик қиламан...

Кўнглим бузилиб кетди. Отамнинг елкасига бошимни қўйиб, юм-юм йиғладим.

– Отажон!!!

Ҳикояда руҳият тасвирини беришда туш кўриш, ички мулоҳаза юритиш каби

усуллардан фойдаланилган. “Кечаси тушларимда нуқул ўтган йили оламдан ўтган онам, кечагина айрилганим фарзандим кириб, алаҳсираб чиқдим”, “Шу кундан бошлаб тушларимда ўша қаҳрли нигоҳи намоён бўлади, менинг кўнглимни кўтаради”. “Нима бўлса ҳам мени ўйлайдиган отажоним! Менинг саждагоҳимсиз! Сиз ҳамма-ҳаммасидан бебаҳо керагимсиз!”

“Имон”, “Опамни топиб олдим” ва “Саждагоҳимсиз, отам” ҳикояларида ота ва фарзанд ўртасидаги меҳр-оқибат, ғамхўрлик, ҳар қандай ҳолатда суюнчиқ бўлиш, талабчанлик каби оилавий қадриятлар тасвири берилган.

Исажон Султон замонавий ўзбек адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга ижодкорлардан биридир. Ижодкор ижодхонасида яратилган “Муножот”, “Ойдинбулоқ”, “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Боғи эрам”, “Генетик” каби китобларига киритилган асарлари адабиётшунослар томонидан анча-мунча баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Постмодернизм йўналишида қалам тебратаётган адиб асарлари ҳақида профессор А. Расулов “Акслар фалсафаси”да шундай дейди: “Озод” романидан ва ҳикояларидан англашиладики, Исажон Султон миллий ўзлик деб аталган маънавий хазинанинг – коннинг моҳиятини англаб етмоқда, шарқ-мусулмон фалсафаси, нафосатшунослиги адабиётшунослигининг вориси сифатида ўзининг постмодернистик асарларини яратмоқда. “Боқий дарбадар”, “Озод” романлари, “Муножот” қиссаси ва турли ҳикояларида шу усул белгилари сезилиб туради [4.428].”

Дарҳақиқат, биз таҳлилига киришаётган “Ота қасидаси” ҳикоясининг номланишидаёқ постмодернизмга хос хусусиятлар бор. Шу ўринда қасида сўзининг маъносига эътибор қаратсак:

Қасида (ар. назмий асар тури) – Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий жанрлардан бири, кўпинча бирор шахснинг (одатда ҳукмдор ёки олий мартабали кишининг) мадҳига бағишланган, шунингдек, фалсафий, ахлоқий-дидактик, ижтимоий мазмундаги, кўтаринки оҳангли...шеърий асар [5.257].

“Ота қасидаси” – оталар шаън-шавкатини улугловчи тараннумими ёки отанинг аёл зотига бағишланган қасидасими?

Исажон Султоннинг “Ота қасидаси” – насрда ёзилган оила деб аталган уч устунни тутиб турувчи **ота-она** ва **фарзандлар** ҳақидаги мадҳия.

Ассоциатив сюжет асосида ёзилган бу асар анъанавий ҳикоя ичида ҳикоя тарзида қолипланган. Муаллиф нутқи орқали баён этилган биринчи ҳикоя “*бир юпун кишининг келиши, эшик олдидагилардан бир нима сўраб, жавоб олгач, йўлида давом этиши*” ҳақида бўлса, “*бу одамнинг онаси, аёли, қизлари бор*”лиги тўғрисидаги иккинчи ҳикояда персонаж нутқидан фойдаланган ҳолда асар қаҳрамонининг лирик кечинмалари берилади [6,114-115].

Асарда адиб ҳашаматли ресторанинг “*кўкиш зарҳал кийим кийган икки бақувват дарбон*” ва “*усту ёмғирда анчайин ивиган, дўппи кийган ўрта яшар, ...сочлари оқарган, пояфзали ҳам анча уринган бир киши*” ўртасидаги конфликт учқунидан моҳирона фойдаланади. Турли ракурслардан қараганда намоён бўладиган ўғил – эр – ота образларини ёрқинроқ тасвирлашда хотира-хаёл, монолог-муҳокама каби тасвирий восита усулларини ўринли ишлатади.

Ҳикоя қаҳрамонлари исмсиз. Бири – деярли ярим асрлик умри тасвирланган “*бутун умрини, топган-тутганини, бор-у йўғини ота-онасига ва оиласига сарф қилиб юборган*” ўғил – эр – ота, қолганлари – она, рафиқа, қиз ва икки дарбон. Улар адабиёт деб аталмиш кўзгу инъикосининг оламдаги умумлашма образи.

Ўзини англаган, ўзгани англайди, дейди донолар. Инсон ҳаётда ўзини англашга интилиб яшайди, ҳаётнинг инъикоси бўлган адабиётнинг асосини ҳам шу мавзу ташкил этади. Исажон Султоннинг “Ота қасидаси” ҳикояси бош қаҳрамони “*ақли тўлишгач*” барча солиҳ фарзандлар сингари “*хаста онасининг оёқларини ювиб, кўнгли тусаган нарсаларини олиб келиб, оғзига овқат тутиб ёнида ўтиради*”, онанинг оилавий ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам муҳим ўрин

тутувчи инсоний фазилатларини шундай мадҳ этади:

“Қадрингни энди билмоқдаман, онам.

Қадринг шунчаларки, агар бу дунёда сен бўлмасайдинг, мен ҳам бўлмас эдим.

Сен бир сирли-сеҳрли маҳак тошимидинг, ҳаётимни, оламимни ўзгартира оладиган?”

Қадимда олтин ва кумушнинг тозалигини қора тош – маҳак тоши орқали аниқлаганлар. Ижодкор асар қаҳрамони тилидан “*бир ғовак тош*”га гавҳарлик қийматини берган оналарни қадр-қимматни оширувчи сеҳрли маҳак тошига қиёслайди.

“Бир йўнилмаган гавҳар эмасмидим, ўзининг қийматини, нималигини билмаган, фикрлашни ҳам билмайдиган бир ғовак тош”.

Ижодкорнинг персонаж нутқидан ўринли фойдаланиши она – аёл – қиз образлар учлик тизими тузилишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳикояда монологик нутқ орқали берилган поэтик такрорлар ўғилнинг онага қарата: “*Дунёда ҳеч бир кас сен каби бўлолмаслигига энди ақлим етади*”, “*Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, зотингнинг қанчалар улуг эканига ақлим етмаса нима қилай?*” тарзидаги самимий иқрори ёки отанинг қизига “*Дунёда ҳеч бир кас сен каби бўлолмаслигига энди ақлим етмоқда*”, “*Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, қанчалар ажойиб мўъжиза эканигга маҳлиё эсам, нима қилай?*”, “*Эй онам менинг, эй доноам менинг!*” кўринишида берилиши она ва қизнинг бир пайтнинг ўзида ҳам ўғил, ҳам ота бўлган асар бош қаҳрамони ҳаётида нечоғлик ўринга эга эканини таъкидлайди. Шарқона ориятга йўғрилган “*..умримда яна бир ҳаловат кўрғони бор эса, у – оилам бўлди*”, “*Мана шу ғалати чархпалак аро умрим ўтиб борар экан, ҳаётимда яна бир аёл пайдо бўлди!*” каби жумлаларда рафиқа тасвири чизилган.

Барча ўзбек оталари характериға хос бўлган жиҳатлар фарзандларига бўлган меҳрни пинҳон тутиш ва уни рўйи рост амалда кўрсатмаслик каби хусусиятлар “*... аммо бисотимдаги энг*

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ширин сўзларим барибир ам ичимда қолиб кетган. Ота ўзининг ҳиссиётларини тилига чиқаравермаслиги керак дер эдим-да. Ўзим билган ҳамма ширин сўзларим фақат сенгагина аталганини ҳам, ўз жонимдан кўра сени устун қўйишимни ҳам билмасдинг” кўринишида тасвирланади. Отанинг фарзандига бўлган меҳри она меҳридан кўп бўлса, бўладики, асло кам бўлмайди, бироқ бу меҳр оталар қалбининг туб-тубидан ўрин олган бўлиб, кам ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Катта фалсафий фикр ифодалашга хизмат қилган пейзаж – кузда саф-саф бўлиб учиб катаётган қушлар тасвирида рамзийлик мужассам: *“Бир кун тонг саҳарда, сени ширин уйқунгдан тўсатдан уйғотишганида, мен ҳам шу қушлар каби қайгадир учиб кетган бўламан!”*

“Ота қасидаси” ҳикояси тугундан бошланади. Тугун иккинчи ҳикояда ечилади. Ечим иккинчи ҳикоядан сўнг, муаллиф нутқи орқали суратан дабдабаю, асасаларга бурканган, сийратан юпун бўлган *“муҳташам отелнинг муҳташам кийимли малайларига мана шу гапларни етказиб қўйишдан иборат”*:

“Яна...сочлари барвақт оқарган ўрта яшар бир кишини кўриб қолсангиз, Яратган эгамдан нигоҳингизга теранлик, қалбингизга тиниқлик сўраб илтижо қилинг!

Ахир, у – Отадир!

Ажабо, бутун умрини, топган-тутганини, бор-у йўғини ота-онасига ва оиласига сарф қилиб юборган, ҳозир эса, ғофиллар қаршисида бир дам музтар бўлиб қолган шу зотга бир оғиз таскин сўзи топа олармикансиз?

Тополмаслигингизга ишончим комил! Тополмасангиз, ҳеч бўлмаса бир жилмайиб қўйинг.

Бас. Етар!” тарзида берилади. Ҳикояда ёзувчи ўзбек оталари образини бериш орқали ўзбек оилаларидаги қадрият – фарзандларига меҳрибонлик, ғамхўрлик, маслаҳатгўйлик, қаттиққўллик, талабчанлик, ҳиссиётларини юзага чиқармаслик, бир сирда туриш каби хусусиятлар тасвирланади.

Миллат аёлдан – онадан бошланади, дейдилар. Миллати, элати,

дини, ирқидан қатъий назар дунёдаги ҳамма оналар фарзандига муносабат бобида бир-бирига жуда ўхшайди. Фикримизнинг исботи тариқасида Ли Ми Э қаламига мансуб “Она, сиз...” теленовелласини ўқиш жараёнида яна бир бор амин бўламиз. Асарда она образи жуда чиройли тасвирланган бўлиб, корейс миллатига мансуб оналарнинг характери, ички ва ташқи дунёси ўзига хослиги, оилавий қадриятлар тасвири билан ажралиб туради.

“Она, сиз...” (“**어머니 당신.....**”) асари ҳам ассоциатив сюжет асосида ёзилган, ҳикоячи она сиймосини ёшлик, навқиронлик, кексалик каби вақт оралиғида намоён бўладиган келин-она-қайнона образлари орқали ёрқинроқ тасвирлайди [7,70]. “Она, сиз...” новелласида корейс аёли, корейс онаси тасвирланган бўлса-да, худди ўзбек миллатига мансуб она тасвирланган новеллани ўқиётгандек таассурот пайдо бўлади ўқувчида:

(Йигирма бир ёшда) *Икки ўрим сочи чамбарак қилиб турмакланган мағрур бошингизни хиёл эгганча, ўзингиз бирор марта ҳам кўрмаган жаноб Кимга турмушга чиқдингиз.*

(Йигирма олти ёшда) *Бутун борлиқ кумуш қор билан бурканган кунда сиз бу оилага ўғил-қиз набиралар тухфа қилдингиз. Сулоланинг катталари сизни оила аъзоси сифатида энди чинакамига қабул қилишди. Муносабатлар илиқлашди. Ўзбек оилаларида ҳам фарзанд оиланинг таянчи ҳисобланади.*

(Ўттиз икки ёшда) *Ўғлингизнинг қорни оғриб қолди. Сиз ҳарорати баланд болангизни орқангизга опичлаб олдингиз-да, яёв йўлга чиқиб, қишлоқдан анча узоқда бўлган шаҳар шифохонасига ярим тунда етиб бордингиз.*

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридан жой олган “Гилам пайпоқ” ҳикоясида ҳам жонкуяр она истимаси баланд, хушини йўқотаётган ўғлини қор гупиллаб ёғаётган пайтда сарпойчан – қуруқ калишнинг ўзини кийган алфозда табибга олиб боради.

Фарзандларингиз оёққа турди. Улар Сизнинг ҳаётингиздан узоқлашиб кетди. Сизнинг ўтмишингиз, чеккан

захматларингиз уларнинг ҳатто тушига ҳам кирмайди. Аслида сизнинг юзингизни безаб турган чуқур ажинларда, кумушга айланган сочларингизда бизнинг болалик ташвишларимиз бор. Биз сиздек мунис аёлни “она”, деб атаймиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, оилавий қадрият сифатида қадрланувчи фарзанди ороми, бахти, қайғуси йўлида жонини фидо қилишга қодирлик дунёда барча ота-оналарга хос хусусият ҳисобланади. Оналардаги бу хислатларни улуғлашни ҳар иккала

ижодкор ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган эди ва том маънода бу мақсадларига эришишди. Ушбу асарлар орқали ота-она сиймосидаги одамийлик, меҳр, инсонийлик тушунчалари англашилади.

Хулоса сифатида “Дунёнинг ишлари” асаридан жой олган “Иймон”, “Опамни топиб олдим”, корейс адиби Чои Хи Сунинг “Саждагоҳимсиз, отам” ҳикоясида оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, бир-бирини тушуниш, ҳар қандай шароитда оила шаънини ҳимоялаш каби оилавий қадриятлар улуғланади.

Адабиётлар:

1. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007, 288 б.
2. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. Т.: Шарқ, 2016, 83- бет.
3. Саждагоҳимсиз, отам. //Китоб дунёси. – 2016. – № 15, 5-бет.
4. Султон Исажон Озод: роман ва ҳикоялар. – Т.: “Шарқ”, 2012.
5. Ўзбек тилининг изоҳли сўзлар луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
6. Султон И. Боғи Эрам. Қисса ва ҳикоялар. – Т.: “Шарқ”, 2015.
7. 이미예, 박인식. 행복한 세상 KBS 한국방송 2002.

(Тақризчи: А.Сабирдинов–филология фанлари доктори)